

УДК: 330.35:338.1 (575.1)

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ИНДИКАТОРЛАРИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ТУШУНЧАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Санжарбек Хожимамаатович ХОЛМАТОВ

докторант

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти
Андижон, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада “барқарор ривожланиш”, “барқарор ривожланиш индикаторлари”, “қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш” тушунчалари очиб берилган. Ўзбекистонда БМТнинг “Барқарор ривожланиш мақсадлари”га эришиш борасидаги ютуқлар кўриб чиқилган. Қишлоқ хуудларини барқарор ривожлантириш бўйича таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: барқарор ривожланиш, барқарор ривожланиш мақсадлари, барқарор ривожланиш индикатори, “хақиқий жамғармалар” (“*genuine savings*”), “хақиқий тараққиёт индикатори” (“*genuine progress indicator*”), барқарор ривожланиш рейтинглари, барқарор қишлоқ хўжалиги.

АНАЛИЗ ИНДИКАТОРОВ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ И ПОНЯТИЙ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

Санжарбек Хожимамаатович ХОЛМАТОВ

докторант

Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий
Андижан, Узбекистан

Аннотация

В данной статье раскрываются такие понятия, как “устойчивое развитие”, “индикаторы устойчивого развития”, “устойчивое развитие сельского хозяйства”. Рассмотрены успехи Республики Узбекистан на пути достижения “целей устойчивого развития” Организации Объединённых Наций. Выдвинуты предложения по устойчивому развитию сельских территорий.

Ключевые слова: устойчивое развитие, цели устойчивого развития, индикаторы устойчивого развития, “истинные сбережения” (“*genuine savings*”), “индикатор подлинного прогресса” (“*genuine progress indicator*”), рейтинги устойчивого развития, устойчивое сельское хозяйство.

Умумэйтироф этилган “барқарор ривожланиш” тушунчасида барқарор ривожланиш – ўзининг табиий асосини бузмаган ва жамиятнинг узлуксиз тараққиётини таъминлаган ҳолдаги барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишдир [4]. Барқарор ривожланишга ўтиш иқтисодий, ижтимоий ва

экологик соҳаларда жамиятнинг ўз-ўзини мақсадли ташкил қилишини аста-секин таъминлашни англатади. Бу маънода барқарор ривожланиш иқтисодий самарадорлик, экологик хавфсизлик ва ижтимоий адолат билан характерланади. Барқарор ривожланишда эҳтиёжларнинг кондирuvi бўлғуси авлодлар учун зарарсиз ҳолда амалга оширилади. Барқарор ривожланиш иқтисодий ривожланиш, атроф-муҳит учун масъулият ва ижтимоий тараққиётни биргаликда олиб боришни талаб қилади. “Барқарор ривожланиш” (*sustainable development*) ибораси 1987 йилдан бошлаб оммавий ахборот воситаларида пайдо бўлди. Ўшанда Брунтланд комиссияси маърузасида бу иборага қуйидагича таъриф берилган: “Барқарор ривожланиш бу – шундай ривожланиш-ки, у ҳозирги давр эҳтиёжларини кондиради ва шу билан бирга, келгуси авлодларнинг ўз эҳтиёжларини кондиритиш имкониятларини хавф остига солмайди” [3].

2015 йили БМТнинг Бош ассамблеяси “Бизнинг оламимизнинг ўзгариши: 2030 йилгача бўлган давр учун барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартиби” деб номланган дастурий ҳужжатни қабул қилди. Унда 17 та “Барқарор ривожланиш мақсадлари” қабул қилинди. Шундан бери “барқарор ривожланиш” ибораси ҳаммага фойдаланиш учун мажбурий, ҳар қандай компания эса бунга кўмаклашиши ва мос келиши шарт бўлиб қолди [6]. Демак, 2015 йили БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилинган “Кун тартиби-2030” дастури бўйича 17 та барқарор ривожланиш мақсадлари қуйидагилар: 1) қашшоқликни йўқотиш; 2) очликни йўқотиш; 3) яхши соғлик ва фаровонлик; 4) сифатли таълим; 5) гендер тенглиги; 6) тоза сув ва санитария; 7) қиммат бўлмаган ва тоза энергия; 8) муносиб иш ва иқтисодий ўсиш; 9) саноатлаштириш, инновациялар ва инфратузилма; 10) тенгсизликни камайитириш; 11) барқарор шаҳарлар ва аҳоли пунктлари; 12) масъулиятли истеъмол ва ишлаб чиқариш; 13) иқлим ўзгариши билан кураш; 14) денгиз экотизимларини сақлаб қолиш; 15) қуруқлик экотизимларини сақлаб қолиш; 16) тинчлик, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва самарали институтлар; 17) барқарор ривожланиш манфаатларидаги шерикчилик.

Ушбу соҳа бўйича Ўзбекистон Республикасида бир қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон Қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон Фармони шулар жумласидан.

Ўзбекистонлик олим Д.Х. Пўлатов “яшил иқтисодиёт” ва “барқарор ўсиш” тушунчаларини солиштиради ва уларнинг боғлиқлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, энг содда шаклдаги “яшил иқтисодиёт”га иқтисодиётнинг кам углеродли, ресурстежамкор ва ижтимоий инклюзив модели сифатида қаралиши мумкин [5].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “барқарор ривожланиш” иборасига қуйидагича таъриф бериш лозим: барқарор ривожланиш бу – мураккаб тизимнинг шундай ривожланиш тури-ки, бунда инновацион инвестицияларни киритиш асосида, “яшил” иқтисодиёт асосида, ички ва ташқи омиллар таъсирида унинг мақсадли йўналтирилган ўзгаришига эришилади ва минимал оғишда, минимал сарф-харажатлар билан, инсониятнинг ҳозирги ва келгуси авлодларининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда маълум сифатли маҳсулот яратилиши таъминланади.

Хўш, барқарор ривожланиш қандай баҳоланади, ўлчанади? Барқарор ривожланиш индикатори (ингл. *index of sustainable development*) бу — одатда ўзгаришларни талқин қилишда ишлатиш мумкин бўлмаган бирламчи маълумотлардан чиқариладиган ва иқтисодий, ижтимоий ёки экологик ўзгарувчиларнинг ҳолати ёки ўзгариши тўғрисида хулоса қилиш имконини берувчи кўрсаткич. Индексларни жорий қилишнинг асосий мақсади бўлиб ҳосил бўлган вазиятнинг ривожланишини башорат қилиш ва мавжуд муаммоларнинг ечимини ишлаб чиқиш учун вазият ёки ҳодисани баҳолаш

хисобланади. Россиялик олим П.Ю.Ерофеевнинг фикрича, бугунги кунда давлатлар, алоҳида минтақалар ва худудлар ривожланишининг барқарорлик даражасини ўлчаш имконини берувчи, асосли миқдорий мезонлар мавжуд эмас [2].

Индекслар ва индикаторларни барпо қилишда икки хил ёндашув ажралиб туради: 1) индикаторлар тизимини барпо қилиш, улар ёрдамида ривожланишнинг алоҳида қирралари – экологик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа қирралар ҳақида хулоса чиқариш мумкин; 2) умумлашган, агрегатлашган индексларни барпо қилиш, улар ёрдамида мамлакат (ёки минтақа) ривожланиши ҳақида комплекс ҳолда хулоса чиқариш мумкин. Ахборотни индексларга айлантириш (агрегатлаш)даги асосий қийинчилик - дастлабки кўрсаткичларнинг, уларнинг ахамиятини йўқотмасдан ва ортиқча субъектив қарашларсиз, салмоғини аниқлашдан иборат. Одатда агрегатлашган кўрсаткичлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: ижтимоий-иқтисодий; экологик-иқтисодий; ижтимоий-экологик; экологик-ижтимоий-иқтисодий.

Қуйида барқарор ривожланиш индикаторлари тизимини кўриб чиқамиз. Дунёда “Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти” (ИХРТ, ингл. *Organisation for Economic Cooperation and Development, OECD*) индикаторлари тизими кенг оммалашган, тан олинган. Улар бир неча турларга бўлинади:

экологик кўрсаткичлар тўплами – атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолият самарадорлигини баҳолаш учун қўлланилади;

тармоқ кўрсаткичларининг бир неча тўплами – табиатни муҳофаза қилиш масалаларининг тармоқ сиёсатига интеграциясини таъминлаш учун қўлланилади;

табиатни муҳофаза қилиш ҳисоботларидан чиқариладиган кўрсаткичлар тўплами – ҳам табиатни муҳофаза қилиш масалаларини тармоқ сиёсатига киритишни таъминлаш учун, ҳам табиий ресурсларни бошқариш

барқарорлигини ва улардан фойдаланиш барқарорлигини таъминлаш учун қўлланилади.

ИХРТ индикаторлари тизими иқтисодиёт ва атроф-муҳит муҳофазаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни тушунтиради, иқтисодий-экологик ҳамда ижтимоий-экологик ўзаро боғлиқликларни очиқ беради.

Яна кўп ишлатиладиган барқарор ривожланиш индикаторлари тизими бу – “БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича Комиссияси” индикаторлари тизими. Барқарор ривожланиш индикаторлари тизимлари ичида қамраб олиш бўйича энг тўлиқ тизимлардан бирини айнан шу “БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича Комиссияси” ишлаб чиққан. Бунда индикаторлар қуйидаги асосий гуруҳларга бўлинган: барқарор ривожланишнинг ижтимоий жиҳатлари индикаторлари; барқарор ривожланишнинг иқтисодий жиҳатлари индикаторлари; барқарор ривожланишнинг экологик жиҳатлари индикаторлари (шу жумладан, сув, қуруқлик, атмосфера, бошқа табиий ресурслар, шунингдек, чиқиндилар кўрсаткичлари; барқарор ривожланишнинг институционал жиҳатлари индикаторлари (сиёсатни дастурлаш ва режалаштириш, илмий ишланмалар, халқаро ҳуқуқий дастаклар, ахборот таъминоти, аҳолининг асосий гуруҳлари ролини кучайтириш).

Таклиф этилган индикаторлар махсус қайта қуришларни, муайян ҳолатларга мослашишни талаб қилади, баъзи ҳолатларда эса – айрим мамлакатлар учун кенгайтиришни талаб қилади. Индикаторлар, уларнинг мақсадли йўналганлигини ҳисобга олиб, қуйидаги уч тоифага бўлинган:

1) индикаторлар – ҳаракатлантирувчи куч, булар барқарор ривожланишга таъсир этувчи кишилар фаолияти, жараёнлар ва кўрсаткичларни характерлайди;

2) ҳолат индикаторлари, булар барқарор ривожланишнинг турлича жиҳатларининг жорий ҳолатини характерлайди;

3) акс-садо берувчи индикаторлар, булар жорий ҳолатни ўзгартириш учун сиёсий ёки қандайдир бошқача жавоб қилиш усулини амалга ошириш имконини беради.

1-расмда 2030 йилгача эришиш мўлжалланган индикаторлар жадвали кўриниши келтирилган [10]:

Мақсад	Бўлим	Кўрсаткич
--------	-------	-----------

1-расм. 2030 йилгача эришиш мўлжалланган индикаторлар жадвали кўриниши.

Кейинги индикатор бу – “ҳақиқий жамғармалар” (ингл. *genuine savings*) кўрсаткичи - Жаҳон банки томонидан таклиф қилинган. “Ҳақиқий жамғармалар” концепцияси мамлакатларнинг миллий бойлигини ўлчашга бўлган янгича ёндашувга уриниш билан яқиндан боғлиқ. Жаҳон банки томонидан табиат капитали, ишлаб чиқарилган (жисмоний ёки сунъий) капитал ва ижтимоий капиталларнинг миқдорлари, шунингдек, мамлакатнинг ялпи миллий бойлигидаги уларнинг улуши ҳисоблаб чиқилган. Чунончи, жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакатлари учун уларнинг миллий бойлигидаги табиат капитали улуши ўртача 2–40 фоизни, инсон капитали улуши ўртача 40-80 фоизни ташкил қилади. Ундан ташқари, ривожланган мамлакатларда миллий бойликдаги табиат улуши ўртача 10 фоиздан ошмайди, инсон капитали улуши эса ўртача 70 фоиздан юқорини ташкил қилади. Аҳоли жон бошига даромади паст бўлган кўпгина мамлакатлар учун табиат капиталидаги қишлоқ хўжалиги компонентининг улуши ўртача 80 фоизни ташкил қилади, аҳоли жон бошига даромади юқори бўлган кўпгина мамлакатлар учун эса бу кўрсаткич ўртача 40 фоиздан ошмаган.

Кейинги индикатор бу – “Ҳақиқий тараққиёт индикатори”. Ҳақиқий тараққиёт индикатори (ХТИ, ингл. “*genuine progress indicator*”, *GPI*) бу – иқтисодий тараққиётнинг интеграл ўлчови сифатида “Ялпи ички маҳсулот” (ЯИМ)нинг ўрнига ишлатиладиган умумлашган кўрсаткич. ХТИ, ЯИМ

сингари, пулда ифодаланади, лекин, ўз таркибий элементлари сонининг йиғиндисидан иборат бўлган ЯИМдан фарқли ўлароқ, ХТИ асосида наф ва харажатлар категорияларига бўлиш ғояси ётади, якуний кўрсаткич эса улар ўртасидаги айирма, фарқ сифатида аниқланади. ХТИ ЯИМга муқобил бўлган, илмий ҳамжамиятда кенг муҳокама қилинадиган ва ҳукуматлар ҳамда нодавлат ташкилотлари томонидан барқарор иқтисодий фаровонликни аниқроқ баҳолаш учун қўлланиладиган кам сонли кўрсаткичлардан бири бўлиб қолди [7]. Ривожланган мамлакатларнинг охириги ўн йилликлардаги *GPI* динамикаси “норентабел ўсиш” концепцияси тарафдорлари томонидан асосий далил сифатида ишлатилмоқда.

Кейинги индикаторимиз бу – барқарор ривожланиш рейтинглари. Инвесторларнинг барқарор ривожланиш принципларига бўлган қизиқиши ортиши билан муайян баҳолаш мезонларига бўлган эҳтиёж туғилди, яъни, *ESG*-рейтингни (ингл. *ESG — environmental, social and governance*, яъни, экологик, ижтимоий ва бошқарув) ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилди. Барқарор ривожланиш рейтингни (ёки *ESG*-рейтинг) бу - компания фаолияти ва унинг асосий бизнес-ечимлари экологик, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги барқарор ривожланишга қай даражада мўлжалланганлигини баҳолашдир [8]. Бугунги кунда глобал *ESG*-рейтингларни *Sustainalytics* (инглизча ва русча), *Investor's Business Daily* (инглизча ва русча) [9], *MSCI, Institutional Shareholder Services* (инглизча ва русча), *S&P Global* ва бошқа ташкилотлар тузмоқдалар.

Энди 17 та барқарор ривожланиш мақсадларидаги 2-мақсад – очликни йўқотишга эришишдаги муҳим дастак бўлган қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга тўхталсак. “Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш” ибораси ўрнига баъзи адабиётларда “барқарор қишлоқ хўжалиги” ибораси қўлланилади. Барқарор қишлоқ хўжалиги бу – қишлоқ хўжалигини барқарор тарзда юритиш, бунда озиқ-овқат ва тўқимачилик маҳсулотларига бўлган жамиятнинг бугунги кундаги эҳтиёжлари қондирилади ва ҳозирги ёки бўлғуси авлодларнинг ўз эҳтиёжларини

кондириш имкониятлари хавф остига олинмайди [11]. Қишлоқ хўжалиги барқарорлигини оширишнинг кўпгина методлари мавжуд. Қишлоқ хўжалигини барқарор озиқ-овқат тизимлари доирасида ривожлантиришда эгилувчан бизнес-жараёнларни ва қишлоқ хўжалигини юритишнинг эгилувчан методларини ишлаб чиқиш муҳим [1]. Қишлоқ хўжалиги иқлим ўзгаришида, сувнинг етишмаслигида, сувнинг ифлосланишида, ерларнинг деградациясида, ўрмонларнинг кесилишида ва бошқа жараёнларда катта рол ўйнаган ҳолда атроф-муҳитга жуда катта таъсир кўрсатади, шу билан биргаликда қишлоқ хўжалиги бир вақтнинг ўзида атроф-муҳитдаги ўзгаришларни келтириб чиқаради ва ушбу ўзгаришларнинг таъсирига мубтало бўлади [1]. Барқарор қишлоқ хўжалиги дейилганда кўз олдимизда қишлоқ хўжалигини юритишнинг экологик хавфсиз методлари гавдаланади, бунда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ёки чорвачилик билан шуғулланишни кишилар ёки табиий тизимлар учун зиёнсиз ҳолда амалга оширилади. Бу методлар қуйидагиларни ўз ичига олади: тупроққа, сувга, биохилмаҳилликка, ён-атрофдаги ёки қуйи оқимдаги ресурсларга, шунингдек, фермада ёки қўшни туманларда яшовчи кишиларга бўлган зарарли таъсирнинг олдини олиш.

Барқарор қишлоқ хўжалиги элементлари фермадеҳқончилик, агроўрмончилик, аралаш деҳқончилик, алмашлаб экишни ўз ичига олиши мумкин.

Барқарор озиқ-овқат тизимларини ривожлантириш кишилар популяциясининг барқарорлигига хизмат қилади. Масалан, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатишнинг энг яхши усулларида бири бўлиб, барқарор қишлоқ хўжалигига асосланган барқарор озиқ-овқат тизимларини яратиш ҳисобланади. Барқарор қишлоқ хўжалиги тизимларига ўсиб бораётган аҳолини атроф-муҳитнинг ўзгарувчан шароитларида боқиш имконини берадиган потенциал ечимни таъминлайди. Ҳозирда барқарор ривожланишнинг кўплаб стандартлари ва сертификатлаш тизимлари мавжуд, хусусан, органик сертификатлаш, *Rainforest Alliance*, *Fair Trade*, *UTZ*

Certified, Global GAP, Bird Friendly, Common Code for the Coffee Community (4C) [12].

БМТнинг “Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти” (FAO) “қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш” тушунчаси остида барқарор усул билан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш даражасини ошириш ва озиқ-овқат хафсизлигини таъминлаш тушунилади. Бунинг учун: таълим ташаббусларини ривожлантириш, иқтисодиётда инновациявий ёндашувни қўллаш, янги технологияларни қўллаш, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган барқарор ва эҳтиёжларга монанд ҳамёнбопликни (аҳолининг камбағал катламлари учун) таъминлаш лозим; камбағаллик муаммосини ечиш мақсадида ишсизликни қисқартириш ва даромадлар даражасини оширишни амалга ошириш керак; табиий ресурсларни бошқариш ва атроф-муҳитни муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратиш лозим [9].

Бир гуруҳ польшалик олимларнинг фикрича, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш мақсадлари қуйидагилар: қишлоқ хўжалиги ходимларининг юқори турмуш даражасини таъминлаш; атроф-муҳит учун ифлосланиш ва бошқа хавфлар келтириб чиқармайдиган ишлаб чиқариш усуллариغا эришиш; иложи борича, максимал равишда қайта тикланувчи ресурслардан фойдаланиш; қишлоқ социумини ва анъанавий турмуш тарзини сақлаб қолиш; чорвачиликнинг этик жиҳатларини ҳисобга олиш.

Ўзбекистон БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш борасида ўз олдига қўйган вазифаларни муваффақиятли бажараяпти ва эришилган ютуқлар халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. 2023 йилда БМТ томонидан эълон қилинган “Барқарор ривожланиш мақсадлари”нинг давлатлараро рейтингига (SDG) Ўзбекистон ўз рейтингини 8 поғона ошириб, 166 та мамлакат орасида 69-ўринни (2022 йилда 77-ўрин) эгаллагани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

SDG Index ҳисоботида кўра, Ўзбекистонда 16 та мақсаддан 11 таси бўйича барқарор ривожланиш кўрсаткичларининг ижобий ўсиши қайд

этилган. Улардан бири озиқ-овқат хавфсизлиги ва овқатланишга оид мақсаддир (2-мақсад).

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, тўғри овқатланиш борасида Ўзбекистонда салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 8 та вазифа ва 14 та кўрсаткичдан иборат 2-мақсад – “Очликни тугатиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва овқатланишни яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига кўмаклашиш” бўйича эришилган баъзи натижалар бунга яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистон 2019–2022 йилларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Глобал озиқ-овқат хавфсизлиги индекси – *Global Food Security Index (GFSI)* рейтингига кўра, катта ютуқларга эришган 10 та мамлакат орасида биринчи ўринни эгаллади.

Ер муносабатлари соҳасида катта ишлар амалга оширилди: 400 минг фермерга 100 минг гектар экин майдони ажратилди, бу эса қўшимча равишда 1,5 миллион тонна озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш имконини берди.

Пахта ва ғаллага давлат монополияси бутунлай бекор қилинди. Агар 2017 йилда Ўзбекистонда 2 та қишлоқ хўжалиги кластери фаолият юритган бўлса, 2022 йилда улар сони 633 тага етди.

Айни пайтда мамлакатимизда пахта-тўқимачилик бўйича 134 та, ғаллачилик бўйича 200 та, мева-сабзавотчилик бўйича 249 та, шолічилик бўйича 42 та, дори-дармон бўйича 8 та кластер самарали фаолият кўрсатмоқда.

2017–2022 йилларда ғалла ҳосилдорлиги гектарига 43 центнердан 50 центнерга, пахта хомашёси ҳосилдорлиги 23 центнердан 34 центнерга, узум ҳосилдорлиги 124 центнердан 132 центнерга, картошка ҳосилдорлиги 330 центнердан 349 центнерга, полиз ва тарвуз маҳсулотлари ҳосилдорлиги 345 центнердан 359 центнерига ошди.

Охирги 6 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасига 8,6 млрд. доллар сармоя киритилди. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги 23 фоизга, қишлоқ

хўжалиги маҳсулотлари экспорти эса 1,9 баробарга ўсди, яъни 2017 йилдаги 811 миллион доллардан 2022 йилда 1,6 миллиард долларга кўтарилди [13].

Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши мақсадларига қишлоқ хўжалиги ходимларининг юқори турмуш даражасини таъминлаш ҳам киради. Шунингдек, БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича Комиссияси индикаторлари орасида барқарор ривожланишнинг ижтимоий жиҳатлари индикаторлари ҳам ўрин олган.

Хулоса сифатида айтсак, қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, аёллар ва ёшлар учун паррандачилик, доривор ва хушбўй ўсимликларни етиштириш, манзарали бута/дарахт етиштириш, асаларичилик, жаҳон бозорида ноёб ва қиммат бўлган маҳсулотларни етиштириш каби соҳалар учун грантлар ажратилиши;

қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий таъминот тизимини тўғри ташкил этиш ва меҳнат стажи юритилишини назорат қилиш;

ҳосилни йиғиб олишдан бошлаб ташиш, сақлаш, қадоқлаш ва сотиш жараёнларида маҳсулот йўқотилишини олдини олиш мақсадида совуткичли машина ва ускуналар билан таъминлашни йўлга қўйиш;

географик ҳудудга хос бўлган маҳсулотларни танитиш ва савдосини қўллаб-қувватлаш;

қишлоқ жойларида кооперативларни ривожлантириш ва ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш;

оилавий корхоналарни кооперативларга айлантириш орқали кўлам самарасидан фойда олишини рағбатлантириш;

маҳаллий уруғларни ҳимоя қилиш, маҳаллий уруғларни фермерлар ўртасида тақсимлаш бўйича зарур механизмларни яратиш;

худудларнинг биохилма-хиллиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бойлиги билан боғлиқ генетик ресурсларни муҳофаза қилиш ва мониторинг қилиш бўйича илмий-тадқиқот марказлари ва институтлари ташкил этиш;

қишлоқ жойларида таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларининг узлуксизлиги ва сифатини ошириш учун олий маълумотли мутахассисларнинг мазкур худудларда қолишларини рағбатлантириш;

қишлоқ аҳоли пунктларидаги касб-ҳунар мактабларининг ўқув дастурларига замонавий қишлоқ хўжалиги дарсларини киритган ҳолда шакллантириш;

олий таълим муассасаларида қишлоқларни ривожлантириш бўйича таълим дастурлари яратилиши;

қишлоқ жойларини умумий иқтисодий ва ижтимоий профилини акс эттирувчи кўрсаткичлар бўйича маълумотлар базаси ташкил этиш ҳамда мазкур базани мунтазам равишда янгилаш;

қишлоқ жойларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга ажратилган маблағлар бўйича маълумотлар тўпланиб, мунтазам равишда дастурларнинг таъсири таҳлил қилиниши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Браун Л.Р. Мир на грани. Институт земной политики. 2012. Нортон. ISBN 978-1-136-54075-2.
2. Ерофеев П.Ю. Особенности концепции устойчивого развития / Экономическое возрождение России. — 2007. — № 3(13). — С. 20-29.
3. Наше общее будущее. – Москва: Прогресс, 1989.
4. Поспелова И.Н. Инвестиционное обеспечение устойчивого развития сельского хозяйства // Journal of Economy and Business, vol.10-2. DOI 10.24411/2411-0450-2018-10087.
5. Пулатов Д. Узбекистан на пути к устойчивому развитию и зелёной экономике //Справочник финансового работника, 2021. – №07 (115). – С.71-76.

6. Степанов О. «Устойчивое развитие» приведет к созданию социалистического концлагеря [Электрон ресурс]. – [URL]:<https://vz.ru/opinions/2022/2/9/1141270.html> (мурожаат қилинган сана: 23.04.2022).

7. Talberth J., Cobb C. and Slattery N. The Genuine Progress Indicator. 2006.

8. 50 Best ESG Companies: A List Of Today's Top Stocks For Environmental, Social And Governance Values // Investor's Business Daily. — 2019. — 12 February. — (мурожаат қилинган сана: 19.03.2021).

9. Promoting sustainable agriculture and rural development // Rome: FAO, 1996.

10. Индикаторы устойчивого развития. [Электрон ресурс]. URL: https://ru.wikipedia.org/wiki/Индикаторы_устойчивого_развития#cite_note-3 (мурожаат қилинган сана: 07.06.2022)

11. «Что такое устойчивое сельское хозяйство | Институт устойчивости сельского хозяйства». URL: www.asi.ucdavis.edu . 11 декабря 2018 г. (Мурожаат қилинган сана: 20 января 2019 г.)

12. Sustainable agriculture. [Электрон ресурс]. URL: https://en.wikipedia.org/wiki/Sustainable_agriculture (мурожаат қилинган сана: 16.04.2022).

13. Макроиктисодий ва худудий тадқиқотлар институтининг 2023 йил ноябр ойи фаолиятининг асосий кўрсаткичлари. [Электрон ресурс]. URL: www.imrs.uz. (мурожаат қилинган сана: 07.12.2023).